

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 31 (1262)

2020 ЙИЛ 13 АВГУСТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ 58,2 ТРЛН. СЎМ



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети даромадлари ижоросининг жорий йил 1 июль ҳолати бўйича шарҳини эълон қилди.

Унга кўра, жорий йил I ярим йилликда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари 58,2 трлн. сўмни ташкил этди ёки ўтган йил мос даврига нисбатан 7,5 трлн. сўмга кўп маблағлар ундирилди.


Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқ ва божхона тушумлари ҳисобига таъминланмоқда. Бунда, солиқсиз даромадларнинг улуши кўпаймоқда. Бу энг аввало давлат

улушига ҳисобланган дивидендлар тушумининг кўпайиши билан боғлиқ. Умуман олганда, шу йил 1 июль ҳолатига солиқ тушумлари 45,9 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йил мос даврига нисбатан 6,8 трлн. сўмга (17,2 %) кўп маблағлар ундирилган. Иқтисодий фаолликнинг пасайиши ва коронавирус пандемияси даврида берилган солиқ имтиёзлари сабабли II чорақда солиқ даромадларининг

пасайишига қарамасдан жами солиқ тушумлари миқдори I ярим йилликда ўсди.

Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми куйидаги солиқлар ҳисобига шаклланди: ҚҚС - 14,3 трлн. сўм (жами даромадларнинг 24,6

%), фойда солиғи – 11,8 трлн. сўм (20,3%), жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи - 7,3 трлн. сўм (12,5 %), ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ – 7,6 трлн. сўм (13 %) ва акциз солиғи – 5,8 трлн. сўм (10%).



(Давоми 5-саҳифада)

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР – ЯНГИ ШАРТЛАР

Аҳолининг даромадларини янада ошириш учун уларга шароитларни яратиш мақсадида банк миллий валютада қандай бўлса, хорижий валютада худди шундай муддатли ва жамғарма омонатларининг катта танловини таклиф қилади.

Бозорда фоиз ставкаларини ўзгариши муносабати билан, "Миллийбанк" АЖ йиллик 18%гача фоиз ставкаси билан 1 ойдан 18 ойгача сақлаш муддати билан миллий валютада "Барча учун" янги муддатли омонатни татбиқ этди.

Бундан ташқари, "Барча учун" янги муддатли омонат йиллик 5%гача фоиз ставкаси билан 3 ойдан 18 ойгача сақлаш муддати билан АҚШ долларларида ҳам мавжуд.

Банк мобил иловаси орқали омонатларни расмийлаштиришда фоиз ставкалари банк офисларида очилган шунга ўхшаш омонатларга қараганда, юқорироқ ўрнатилади.



ОММАБОПЛИК ҚАЙТМОҚДА – ЖАМҒАРМА ОМОНАТЛАР

Жамғарма омонатлар одамлар тўловнинг (коммунал тўловлар, товарлар ва хизматларни харид қилиш ва бошқалар) навбатдаги муддати бошлангунга қадар маблағларни қисқа муддатли киритиш йўли билан даромад олишга интилаётганида 2000 йилларнинг бошида оммабоп бўлган, аммо нақд пулсиз тўловлар ривожланиши билан тўлов ўтказиш сутканинг исталган вақтида масофавий каналлар орқали самарали бўлди, бу жамғарма депозитларига бўлган талабанинг пасайишига таъсир этди.

(Давоми 4-саҳифада)

Россияда дунёда биринчи бўлиб коронавирусга қарши вакцина рўйхатдан ўтказилди, деб маълум қилди Президент Владимир Путин.

РОССИЯДА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ БИРИНЧИ ВАКЦИНА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ

"Менга маълум бўлишича, бугун эрталаб дунёда биринчи бўлиб янги коронавирус инфекциясига қарши вакцина рўйхатга олинди", – деди у ҳукумат аъзолари билан ўтказилган мажлисда.

Владимир Путин мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Михаил Мурашкодан шу ҳақда ба-

тафсилроқ маълумот беришни сўраган.

Владимир Путин вакцинанинг самарали таъсир этиши ва мустақкам иммунитет ҳосил қилишини, у барча зарур текширувлардан ўтганини алоҳида таъкидлади.

ЎЗА



ХАЛҚ БАНКИ ЎЗ ЎРНИНИ МУСТАҲКАМЛАДИ

Fitch Ratings ва S&P Global Ratings халқаро рейтинг ташкилотлари пандемия шароитида ҳам Халқ банки фаолиятини барқарор ривожлантаётган молия муассасаси сифатида баҳолади.




Fitch Ratings Халқ банки рейтингини "BB-/Барқарор" даражасида сақлаб қолди. Бу банкнинг халқаро молия ташкилотлари билан

ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга ҳамда мижозлар ишончини орттиришга хизмат қилади. S&P Global Ratings

эса Халқ банки кредит рейтингини В+дан ВВ-га оширди. Бу Ўзбекистон суверен рейтингини билан бир хил баҳоланганини билдиради.

"АСАКА" БАНК ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ РЕЙТИНГИ ТАСДИҚЛАНДИ

Moody's халқаро рейтинг агентлиги "Асака" банкнинг глобал миқёсдаги куйидаги рейтингларини тасдиқлади:



- Миллий валютадаги узоқ муддатли рейтинг - В1, "Барқарор"
- Хорижий валютадаги узоқ муддатли рейтинг - В1, "Барқарор"
- Қўллаб-қувватлаш рейтинг даражаси - В3
- Бошланғич кредит баҳоси - В3

Барча рейтинглар "барқарор" прогнозга эга.

Moody's халқаро рейтинг агентлиги мутахассислари фикрига кўра, "Асака" банк рейтингларини баҳолашда, ҳатто пандемия даврида ҳам банкнинг Ўзбекистон бозорига, айниқса юридик шахслар учун хизмат кўрсатиш соҳасидаги мавқеини, унинг мамлакат ичидаги кенг географик қамровини, барқарор фойда олиш имконини берувчи соғлом даромад таркиби ва капиталлаштиришнинг яхши даражаси, шунингдек, бир қатор халқаро молия институтлари билан узоқ йиллик ҳамкорлик алоқалари ҳисобга олинган.

Ушбу баҳолаш халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳозирги вақтда тижорат банкларига бериладиган кредит рейтинглари ичида энг юқориси ҳисобланади.

"Асака" банк бошқаруви раисининг ўринбосари Бобохон Абдуллаев:


"Дунёнинг етакчи рейтинг агентликларидан бири "Асака" банки томонидан олиб борилаётган хавфларни ҳисобга олиш бўйича

консерватив сиёсатни, шунингдек юқори капитал ва ликвидлик кўрсаткичларини ижобий баҳолади. Банка берилган кредит рейтингини банк раҳбарияти томонидан трансформация жараёнлари, шу жумладан бизнес жараёнларини оптималлаштириш ва рақамлаштириш, корпоратив бошқарув ва ходимларни бошқариш тизимларини такомиллаштириш доирасида қабул қилинган стратегик қарорлар банкнинг ҳатто пандемия шароитида ҳам барқарор ва башорат қилинадиган ўсишини таъминлайди".

Банк раҳбарияти томонидан келгусида фаолиятнинг устувор йўналишлари бўлиб – мижозлар маблағларининг сақланиши, банк хизматлари маҳсулотларининг мижозларга йўналтирилганлиги, шунингдек рақамли ечимлар асосида юқори сифатли ва тезкор ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш қабили сақланиб қолишига ишонч билдирилмоқда.

"Moody's Investors Service - Moody's корпорациясининг филиали. Корхона кредит рейтинглари тақдим этиш, хавфларни таҳлил қилиш ва турли хил тадқиқотлар олиб бориш билан шуғулланади. Moody's Standard & Poor's ва Fitch Ratings билан бир қаторда, "катта учлик" халқаро рейтинг агентликларидан бири ҳисобланади.

Moody's халқаро рейтинг агентлиги АТ "Алоқабанк" нинг миллий ва хорижий валютадаги узоқ муддатли рейтинглари прогнозини "Барқарор" даражасида, шунингдек, банкнинг кредитлаш салоҳияти базавий баҳосини тасдиқлади ва қисқа муддатли депозитлари рейтингини барқарор, баҳолади дея, ёзади REPORTER телеграм канали.



MOODY'S:

"АЛОҚАБАНК" РЕЙТИНГИ – "БАРҚАРОР"

Хабарда қайд этилишича, Moody's банкнинг миллий валютадаги узоқ муддатли рейтингини тасдиқлар экан, банкнинг автоном молиявий ҳолатига кучли босим тушганда унинг йўқотишларни қоплай олиш қобилияти, ҳимоя ёстиқчаси кучли, даромади ва гаров билан таъминланганлик даражаси яхшилиги билан изоҳлади.

Moody's ҳисоб-китобларига кўра, 2019 йил охирида "Алоқабанк"нинг муаммоли кредитлари (3-даражали кредитлар) умумий кредитларнинг 2,3% ини ташкил этган. Корпоратив банк сифатида "Алоқабанк" йирик корпоратив қарз олувчиларни кредитлаш билан боғлиқ бўлган кредитларни концентрациялаш хавфи эга, шу билан бирга унинг кредит портфели кичик ва ўрта корхоналар, коронавирус тез таъсир кўрсатувчи чакана савдо каби юқори хавфли тармоқлар бўйича соғлом диверсификация қилинган. Аммо Moody's "Алоқабанк" активлари сифати кейинги бир-бир ярим йил ичида ёмонлашиши мумкин дейди ва фи-

крини кредит олганларнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашиши туфайли ўз вақтида қайтара олмай қолиши билан тасдиқлайди.

"Алоқабанк" зарарларни капиталнинг барқарорлиги ва рентабеллиги билан сўндириш қобилиятига эга. Moody's "Алоқабанк" 2020-21 йилларни фойда билан яқунлаши, аммо даромадлиги ссудалар бўйича йўқотишларни қоплашга ажратмалар, ишбилармонлик фаоллигининг пасайиши ва активлар сифатининг ёмонлашуви туфайли чекланиши мумкин, деб ҳисоблайди. Moody's маълумотларига кўра, банк 2020-2021 йилларга қадар кредит йўқотишларини қоплаш учун даромадларини генерация қилиш салоҳиятига эга. Moody's ҳисоб-китобларига кўра, "Алоқабанк"нинг умумий капитал коэффиценти 2019 йил охирига келиб, тахминан 19% ни ташкил этган. Moody's, шунингдек, "Алоқабанк"нинг ликвидлиги ва молиялаштириш кўрсаткичлари келгуси 12-18 ойда барқарор бўлишига ишонмоқда.

Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлигининг 2020 йил 3 августдаги маълумотига асосан, АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг халқаро рейтингини "BB-/Барқарор" (барқарор ривожлантаётган молиявий муассасаси) даражасида тасдиқланди.



FITCH RATINGS АГЕНТЛИГИ "ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК" РЕЙТИНГИНИ БАҲОЛАДИ

Бу мазкур банк томонидан эришилаётган юқори иқтисодий кўрсаткичларнинг яна бир хорижий эътирофидир.


АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" ўз инфратузилмалари тармоғи ва хизматлар кўламини кенгайтириш орқали аҳолини сифатли хизматлар билан таъминлашга интилмоқда. Бунинг самараси ўларок, мижозлар сони муттасил ўсиб боришига эришилмоқда.

2020 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, банкнинг умумий капитали 2 334,2 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда йил бошига нисбатан 888,3 млрд. сўмга ортди. Ҳисобот даври-

га банкнинг шаклланган устав капитали 1 855,2 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Банкдаги жами депозитлар миқдори 3 301,0 млрд. сўмни жумладан, қисқа муддатлиси 684,4 млрд. сўмни, узоқ муддатлиси 2 616,6 млрд. сўмни ташкил этди. Эътиборлиси, йил бошига нисбатан жами депозитлар миқдори 17,9 фоизга, узоқ муддатли депозитлар эса 503,3 млрд. сўмга ёки 24,0 фоизга ошган.

Замонавий хизматларни жорий этиш орқали мижозлар ишончини қозониш келгусида ҳам "Қишлоқ қурилиш банк" фаолиятининг устувор мақсади бўлиб қолади.

“Траст-банк” ХАБ банк фаолиятини трансформациялаш доирасида андеррайтинг – қарз олувчилар тўғрисида ўз тахлилий тизимини жорий этди.



**ТРАСТБАНКДА
АНДЕРРАЙТЕР
ТИЗИМИ ЖОРИЙ
ҚИЛИНДИ!**

Мазкур тизим банк томонидан жисмоний шахсларга микроқарз ва овердрафт кредитлари ажратилиши жараёнларида тест-синов тариқасида амалиётдан ўтказилди ва ижобий натижага эришилди.

Банк андеррайтер мутахассиси миждо маълумотларини тахлил қилиш ва текшириш орқали кредит бериш билан боғлиқ хатарларни мустақил баҳолайди ҳамда хатарларни минималлаштириш бўйича профессионал хулоса тайёрлайди. Мазкур тизим миждога кредит олишдаги вақтининг тежалиши учун шароит яратади.

Қайд этиш жоизки, банк хизматлар кўламини илғор амалиёт ва халқаро стандартлар асосига қуриш борасида миждоларга янги ва қулай хизмат турларини жорий қилиш устида доимий изланишлар олиб бормоқда.

Бундан олдин банк халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда қарз олувчиларнинг тўлов қобилиятини тахлил қилиш ва баҳолашни оптималлаштириш, кредит бериш жараёнини соддалаштириш ва миждоларга қулайлик яратиш мақсадида расмий веб сайт орқали скоринг моделини ишга туширган эди.

“Ҳамкорбанк” АТБ халқаро фонд бозорида ўзининг инвестицион фаолиятини бошлади. Бу самарали банк актив амалиётлари сифатида банкнинг халқаро қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти банкга риск даражаси нисбатан кам бўлган амалиётлар орқали қўшимча даромад олиш, банк активларини диверсификациялаш, банк маблағларини самарали бошқариш, қимматли қоғозлар билан РЕПО битимларини амалга ошириш орқали арзон ресурслар жалб қилиш ҳамда валюта фючерслари ва опционлардан кенг фойдаланган ҳолда валюта рискларини самарали бошқариш имкониятини беради.

**“ҲАМКОРБАНК” ХАЛҚАРО
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА
ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ**

“Ҳамкорбанк” дастлабки савдо битими жорий йилнинг 30 июль кунги Лондон фонд биржаси савдоларида юқори ликвидли ҳамда барқарор бўлган Ўзбекистон Республикаси суверен евробондларини (давлат суверен халқаро еврооблигацияларини) сотиб олди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 2019 йилнинг феврал ойида тарихда илк бор 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида тенг бўлган давлат суверен еврооблигацияларини муваффақиятли жойлаштирган ва халқаро инвесторлар томонидан жуда яхши кутиб олинган эди, яъни ушбу қимматли қоғозга бўлган талаб унинг умумий жойлаштирилган қийматидан деярли 4 баробар кўп бўлган.

**“ИПАК ЙЎЛИ”
БАНКИ 10 МИЛЛИОН ЕВРОГА ТЕНГ
ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ**


“Ипак Йўли” банки инвестициявий ҳамкорлик соҳасида чегараларини янада кенгайтириш мақсадида Германиянинг “Invest in Visions GmbH” инвестиция фонди билан миқдори 10 миллион еврога тенг кредит линияси ажратиш тўғрисида шартнома имзолади.



Мамлакатимизнинг 2020 йилги инвестиция сиёсатини фаоллаштириш доирасида “Ипак Йўли” банки томонидан банк миждоларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида, Германиянинг “Invest in Visions GmbH” компанияси билан ҳамкорлик

алоқалари ўрнатилди. Юқоридаги шартномага инвестиция фондининг тахлилий-тадқиқот агентлиги – “Agents for Impact” (Германия) ҳамроҳлик қилди. Ажратилган кредит маблағлари Ўзбекистонда микро, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида молиялаштиришга йўналтирилади.

**МАРКАЗИЙ БАНК
МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК БЎЙИЧА
АХБОРОТ-ТАЪЛИМ ВЕБ-САЙТИНИ
ИШГА ТУШИРДИ**



Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан Finlit.uz ахборот-таълим ресурси ишга туширилди. Мазкур лойиҳа доирасида молиявий хизматларни танлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, оқилона ва масъулият билан молиявий қарорлар қабул қилиш ҳамда молия бозоридаги имкониятларни тўғри баҳолашга ёрдам берувчи билим ва кўникмаларни шакллантириш вазифалари белгиланган.

Ахборот-таълим веб-сайти фойдаланишга осон ва қулай бўлган қуйидаги бўлимлардан иборатдир:

Мақолалар – молия бозорининг турли соҳалари ва маҳсулотларини қамраб олувчи долзарб ахборот материаллари (омонатлар, кредитлар, бюджетни режалаштириш, тўловлар ва ўтказмалар, молия бозори, пул-кредит сиёсати, валютани тартибга солиш ва молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш);

Ўқув материаллари – иқтисод, банк ва молия соҳасига оид атамаларни ўз ичига олувчи луғат, молиявий саводхонлик бўйича

китоблар ҳамда таълим видео-материаллари;

Интерактив хизматлар – депозит ва кредит калькуляторлари, кўп бериладиган саволлар, сўровлар ва бошқалар;

Лойиҳалар – аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган тадбирлар анониси ва релизлари.

Материалларда берилган маълумотлар тавсиявий характерга эга бўлиб, улар молиявий саводхон шахснинг ҳулқ-атвори ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган. Сайт таркиби дастлабки босқичда бўлиб, келгусида доимий равишда янгиланиб ва такомиллаштириб борилади.

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР – ЯНГИ ШАРТЛАР



(Бошланиши 1-саҳифада)

Бироқ, айна вазиятда, ҳозирги кунга жамғарма омонатлари яна жуда оммабоб бўлиб қолмоқда, чунки маблағларни эркин бошқариш ва даромад олиб келишга имкон беряпти.

"Миллийбанк" АЖ шунингдек 18 ой сақлаш муддати билан миллий валютада "Барчаси имкониятли" янги жамғарма омонатини амалиётга татбиқ қилди.

Омонат шартлари оддий, 100 000,00 сўм ўлчамда пасаймайдиган қолдиқни сақлаб қолиш шarti билан маблағларни тўлдириш ва қисман ечиб олиш чекланмаган, омонат бўйича фоизлар - онлайн расмийлаштирилганлик учун йиллик 17% ва китобча орқали расмийлаштирилганлик учун йиллик 16% ўлчамларда кўшиб ҳисобланади.

ЯНГИ ТРЕНД - DIGITAL ХИЗМАТЛАР

Бундан бир неча йил олдин "Миллийбанк" АЖда омонат очишни истаган одамда танлов бўлмаган. Банк бўлинмасига бориш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва касса орқали пулларни бериш керак эди. Бозор банкларнинг рақамлаштирилишини сезиларли ўзгартирди. Шу боис ҳозирги кунда омонатни Milliy банк мобил иловаси ёрдамида масофадан туриб очиш мумкин, бу миқозларимиз учун жуда қулай.

Онлайн-омонатлар банк депозитлари бозорида ҳақиқий инқилобни амалга оширди ва энди омонатни интернетга улашиш бор жойда тез, қулай ва исталган жойда очиш мумкин 24/7 энг муҳими - хавфсиз.

Онлайн-омонатларнинг яна бир афзаллиги ҳужжат айланишининг мажҳуд эмаслигидир. Омонат китобчаларидан воз кечиб ва digital технологияларга ўтиш вақти келди. Шунингдек алоҳида омонатларнинг шартлари билан мобил илова ёрдамида пул маблағларининг жойлаштирилиши ҳолатида, банкга ташриф буюриб омонатни очишга қараганда юқорироқ фоиз ставкаси ўрнатилди.

Онлайн-омонатни очиш учун мобил иловага кириш, анча фойдали депозитни танлаш ва уни карта ёки электрон ҳамаёндан тўлдириш зарур. Омонатчининг ўзи ўз пул маблағларини назорат қилади ва омонат ҳисобини бошқаради. Milliy иловаси ёрдамида омонатни очиш ва ёпиш, картага фоизларни чиқариш, омонатни тўлдириш, исталган вақт ҳисобдаги пулларни ҳаракатини назорат қилиш мумкин. Мобил илованинг қулай ва тушунарли интерфейси ҳаттоки катта авлод инсонларига омонатни онлайн осон очишга имкон беради.

Илова орқали депозитни расмийлаштиришда миқознинг маблағлари унинг "ҳамаёнида" қолади, банк эса бунда фақат миқоз учун пул ишлаб топаётган орган ролида иштирок этади дейиш мумкин. Шунингдек омонатни онлайн очиш 100%га қўл билан аралашув хавфини истисно қилади.

Онлайн-омонатларнинг бир қатор афзалликларини ажратиб кўрсатамиз:

- тез ва хавфсиз расмийлаштириш;
- ҳисобдаги балансни ва маблағларнинг ҳаракатини 24/7 назорат қилиш имконияти;
- бегона аралашувнинг хавфи истисно қилинган;
- банкга ташриф буюрмасдан фоизларни олиш.

"Миллийбанк" АЖдан онлайн омонатлар билан Сизнинг маблағларингиз доимо ёнингизда бўлади ва ҳар куни "ўз болангиз" каби назорат остида, кўз олдингизда ўсиб боради.

КУЧ ИШОНЧДА

"Миллийбанк" АЖ ўз омонатчиларига банк сирини сақланишини, ҳамда пул маблағларининг ўз вақтида қайтарилишини таъминлашни кафолатлайди. Омонатлар кафолати Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига биноан "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди" томонидан таъминланади. Омонатлар бўйича тўловлар уларнинг ўлчамларидан қатъи назар тўлиқ ҳажмда кафолатланган.

Миқознинг молиявий манфаати устуворлигига алоҳида эътибор қаратилади. Бозорда ставкаларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда, омонатчиларнинг ҳуқуқлари банк томонидан ҳимояланган, амалдаги омонатлар бўйича фоиз ставкаларини пасайтириш тартиби бир томонлама яъни, банк томонидан амалга оширилиши мумкин эмас.

Вақтни тежаш, қулай сервисни танлаш - вақт ва технологиялар билан амр этилувчи тренд. Бугунги кунда банкимизнинг янада кўпроқ миқозлари банкга ташриф буюриш заруратсиз онлайн тартибда омонатлар очмоқдалар. Бу нафақат қулай, балки шунингдек фойдали ҳам.

"Миллийбанк" АЖ, Ўзбекистоннинг йирик ва энг ишончли банки ҳисобланиб, маблағларни сақлаб қолиш ва кўпайтиришнинг қулай ва ишончли йўналишларини таклиф қилади, улар миқозларимизнинг барча эҳтиёжларига мақбул даражада жавоб беради. Банк учун ўз омонатчиларнинг маблағларини ҳимоялаш ҳар доим устувордир.

Банк матбуот хизмати.

Кейинги йилларда "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилиб, минглаб янги иш ўринлари яратилди, энг асосийси тадбиркор оилаларнинг сони ортиб, доимий даромад манбаига эга бўлишди. Бу эса ҳудудларнинг тараққий этишига ҳам хизмат қилмоқда.

"ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР" ДАСТУРИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРИ

Хусусан, Молия вазирлиги Ахборот хизмати тақдим этган маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида дастур доирасида қонунчиликда тақиқланмаган йўналишлар бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 баробаридан юқори бўлган қиймати 48,4 млрд. сўмлик 13 та лойиҳалар истиқболли деб баҳолалиниб, уларга 28,7 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиши таъминланиши белгиланди.

Мазкур лойиҳаларнинг бештаси Тошкент вилояти, тўрттаси Навоий вилояти, учтаси Қашқадарё вилояти ҳамда биттаси Тошкент шаҳрида амалга оширилмоқда. Уларнинг олти тасига "Агробанк" акционерлик тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ажратилмоқда.

баробаридан юқори бўлган лойиҳаларнинг истиқболлигини танлаб олиш ва уларга кредит маблағлари ажратилишида бир қанча муҳим жиҳатларга эътибор қилинди. Хусусан, аввало кам таъминланган оилаларни қамраб олган ҳолда уларнинг даромад топишига қаратилган фаолият йўналишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди. Кейинги ўринларда "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида белгиланган фаолият турларига мос келиши ва ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир даражасининг юқорилиги ҳамда ҳудудларда камбағалликни қисқартиришда ҳиссаси юқори бўлган лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилишига алоҳида аҳамият берилди.



Қайд этиш жоизки, ушбу лойиҳаларнинг амалга туширилиши натижасида жойларда 1 374 та янги иш ўринларини ташкил этилиб, жумладан, биргина тикувчилик йўналишидаги 4 та лойиҳада 700 дан ортиқ хотин-қизларнинг бандлиги таъминланади. Албатта, бундай истиқболли лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун барча чоралар кўрилувчи.

Таъкидлаш керакики, дастур доирасидаги 1000

Жорий йилнинг қолган даврида дастур ижросининг натижадорлигини таъминлаш ва бу орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини яхшилаш, янги иш ўринларини ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар тегишли вазирлик ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўз мухбиримиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ 58,2 ТРЛН. СЎМ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Давлат бюджетининг 2020 йил 6 ойлик даромадлари 58 157 млрд. сўмга ёки тасдиқланган йиллик параметрга нисбатан 45,3 фоизга ижро этилди. Ҳисобот даврида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15 фоизга кўп маблағ туширилишига эришилди.

Даромадларнинг 19 739,6 млрд. сўми (жами даромадларнинг 33,9 % и) бевосита солиқлар, 21 510,8 млрд. сўми (37,0 %) билвосита солиқлар, 9 695,4 млрд. сўми (16,7 %) ресурс тўловлари ва мулк солиғи ва 7 211,2 млрд. сўми (12,4 %) бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилди.


Давлат бюджетининг 1-ярим йиллик харажатлари эса 64 878,9 млрд. сўми ёки ЯИМ га нисбатан 25,4 фоизни ташкил этди.

Жами харажатлар таркибида ижтимоий соҳа харажатлари энг кўп улушга (53,4 %) эга бўлиб, ушбу йўналишда фаолият юритаётган ташкилот ва муассасаларни сақлаш ҳамда соҳага тааллуқли тадбирларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 34 665,5 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

2020 йил 1-ярим йиллик Давлат бюджети дефицити 6 721,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Ҳисобот даврида маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисми 12 870,7 млрд. сўмни, харажатлар қисми эса 20 203,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Молия вазирлиги Ахборот хизмати



“LOBAR-KREDIT” МЧЖ

Рўйхат рақами: УзР МБнинг 2013 йил 13 майдаги 57-сонли лицензияси.
Юридик манзили: 100135, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани, 16 мавзе, 11 уй 64-хонадон.

БАЛАНС ҲИСОБОТИ			
2019 йил 31 декабрь ҳолатига			
КОД	ТАРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		АКТИВЛАР	
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	44 536
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	24 065
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фойзалар	215 830
50	12401+12405+12409+15701+15705	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истъёмол), брутто	
51	12499+15799	Минус: кредитлар буйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	
52		Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	4 883 605
70	16500	Асосий воситалар, соф	1 348
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	
91	16799	а. Минус: Қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16400	Бошқа активлар	684 955
110		Жами активлар (10+20+30+52+70+80+92+100)	5 854 339
		МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ	
		МАЖБУРИЯТЛАР	
210	21400+21600	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	0
220	22100	Лизинг буйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фойзалар	0
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	37 952
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	0
260	29800	Бошқа мажбуриятлар	627 047
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	664 999
		КАПИТАЛ	
310	30301	Устав капитали	1 000 000
320	30903	Умумий захира фонди	150 000
330	30905	Текинга олинган мулклар	0
350	31203	Таксимланмаган фойда	-912
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	31 554
370	(40000-50000) +/-31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	4 008 697
380		Жами капитал (310+320+330+350+360+370)	5 189 340
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	5 854 339

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 1 апрелдаги АФ № 00747-рақамли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлар буйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юридик келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот ташкилотнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолати буйича ҳисоботларининг тўғрилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд.

Хизматлар лицензияланган.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ

2019 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
110	40400	Банклардаги депозитлар буйича фойзли даромадлар	0
120	42000	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар буйича фойзли даромадлар	3 820 356
160	44700+44900	Бошқа фойзли даромадлар	0
170		Жами фойзли даромадлар (110+120+160)	3 820 356
		2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари буйича фойзли харажатлар	0
220	53101	Банклардан олинган кредитлар буйича тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	0
230	53105+53195+53196	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	0
240	54400	Лизинг (микролизинг) буйича фойзли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фойзли харажатлар	0
260		Жами фойзли харажатлар (210+220+230+240+250)	0
310		3. КРЕДИТЛАР БУЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)	3 820 356
320	56802+56842	Минус: Кредитлар буйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330		Кредитлар буйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фойзли даромадлар (310-320)	3 820 356
		4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
440	45900	Бошқа фойзсиз даромадлар	1 286 338
450		Жами фойзсиз даромадлар (410+440)	1 286 338
		5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	68 849
520	55900	Бошқа фойзсиз харажатлар	13 496
530		Жами фойзсиз харажатлар (510+520)	82 345
600		6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)	5 024 349
		7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	56100	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	350 029
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	46 625
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	56400	Маъмурий харажатлар	11 414
750	56500	Репрезентация ва хайрия	12 000
760	56600	Эскириш харажатлари	20 143
770	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	20 697
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	460 908
800	56800-56802-56842	8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900		9. ФОЙДА СОЛИҒИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	4 563 441
		10. ФОЙДА СОЛИҒИ	
1000	56902	Фойда солиғини баҳолаш	554 744
1100		11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	4 008 697
1110	Дт 31206 ёки Кт 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+/-1110)	4 008 697

ХИТОЙ ИҚТИСОДИЙ ТАМАДДУНИ

“Мушук оқ бўладими, қорами, нима фарқи бор, сичқонни тутиб еса бўлди-да”

Дэн СЯОПИН

Дунёда Хитой замонавий иқтисодий ривожланишнинг ёрқин феноменидир. Маълумки, бундай мақомга олиб келган янги Хитой тараққиёт моделининг тамал тоши 1978 йилнинг декабрида бўлиб ўтган ХКП МКнинг III-ялпи мажлисида қўйилган эди. Мажлисида иқтисодиётнинг таркибий тузилишینی ўзгартириш мақсадида ислохотлар сиёсатиға ўтиш эълон қилинди. Хитойда бошланган ислохотлар ўз навбатида мамлакат иқтисодиётининг ташқи савдо учун очиқлигини таъминлашни ҳам билдирар эди.

Иқтисодиётнинг очиқлигини баҳолайдиган асосий кўрсаткич одатда ташқи савдонинг ялпи ички маҳсулотга нисбати ҳисобланади. Бу кўрсаткич ташқи бозорга боғлиқлик коэффициентини ҳам дейилади. 1978 йилда Хитойнинг ташқи савдо миқдори 20,8 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиб, бу миқдор Тайваннинг кўрсаткичидан ҳам 12 фоизга кам эди. Импорт ҳажми ЯИМнинг 4,8 фоиз, экспорт эса 4,7 фоиз эди (National Bureau of statistics of china). Кўришиб турибдики, бу вақтда ҳали фаол савдо балансига ҳам эришилмаганди. 1980 йилда Хитой ислохотларининг бош меъмори Дэн Сяопин XX аср охиригача ЯИМ ишлаб чиқаришни тўрт баробарга ошириш вазифасини қўйди. Бу мақсадга эришиш учун ҳар йили ЯИМ ўртача йиллик ўсиш суръатларини 7,2 фоиз миқдорда таъминлаш лозим эди. Уша вақтда бундай кўрсаткичга эришишга кўпчилик ишонмаган эди.

Иқтисодий ўсишнинг табиий суръатлари назариясига мувофиқ биронта мамлакат узоқ муддатли келажақда бундай кўрсаткичга эришиши мумкин эмасди.

Тўғри, Япония ва тўртта “Осиё йўлбарси” – Жанубий Корея, Сингапур, Гонконг ва Тайван 1960 йилдан бошланган икки-уч йилликда шундай шиддатли ўсишга эришган ва бу фавулодда ҳолат сифатида тан олинган “Осиё мўъжизаси”, деб аталган эди.

1978 йил охирида Хитойнинг аҳолиси 1 млрд. кишидан ошиб, уларнинг 80 фоизи қишлоқларда истиқомат қилар, саводсизлар сони ҳаддан ортқ юқори эди. Бу вақтда Хитой дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларидан бири бўлиб, аҳоли жон бошига 210 доллар даромад тўри келар эди. Хўш, қандай қилиб 20 йил давомида йилга ўртача 7,2 фоиз ЯИМнинг ўсиши таъминлаш мумкин?

Икки ўн йилликдан кейин маълум бўлишича, Дэн Сяопин қўйган вазифа анча камтарона экан. 30 йил давомида 1979-2009 йилларда мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатлари ўртача 9,9 фоизни ташкил этди, яъни дастлаб белгиланганидан 2,7 фоизга устун бўлди. Халқаро савдо ҳажми 16,3 фоизга ўсди. 2009 йилда ташқи савдо ҳажми 2,2 трлн. АҚШ долларига тенг бўлиб, 30 йил ичида сакраш 107 мартага етди. 2012 йилда унинг ташқи савдо айланмаси 3,9 трлн. АҚШ долларига етай деб қолди. Ташқи савдо ижобий сальдоси 231,1 млрд. долларни ташкил этди. Бу чинакам мўъжиза эди. Энди Хитой иқтисодиёти жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи, экспорт бўйича Би-

ринчи ўринга чиқиб олди. Айрим оптимистик баҳоларга қараганда, 2020 йилда ЯИМнинг номинал миқдори бўйича АҚШни қувиб етди, 2040 йилда эса Хитой иқтисодиёти АҚШдан уч баробар йирикроқ бўлади. Хитой XXI аср бошидан бошлаб жаҳонда саноат ишлаб чиқариши бўйича энг йирик давлат. У космик ва ядро малакати. Хитой дунёда кўмир, темир, марганец, қўроғошин-қалай, сурма ва вольфрам рудаларини

бермоқда. Мамлакатни тезкорлар темир йўллар ва ўта замонавий авиобан чулғаб олган.

Ислохот йилларида хитойликларнинг турмуш даражаси 9 мартага ошди. Агар ислохот бошланган пайтда қишлоқ аҳолисининг учдан бири қисми тахминан 250 млн. киши қашшоқликда кун кечирган бўлса, уч ўн йилликдан кейин уларнинг сони 36 млн.га тушди.

Хитойда бошланган ислохотларнинг ажралмас қисми иқтисодиётнинг аниқлик доктринасидир. Ташқи савдога боғлиқлик коэффициентидан ифодаланадиган иқтисодиётнинг очиқлиги “осиё йўлбарслари” каби кичик мамлакатларда 100 фоиз бўлиши ҳам мумкин. 100 млн.лик аҳолиси бўлган Индонезияда 1984 йили, мажмур кўрсаткич 23 фоиз бўлиб,

нологияли экспорт бўйича дунёда етакчи ўринга чиқиб олди.

Ташқи савдо билан бир қаторда Хитой мамлакатга чет эл инвестициясини жалб қилишга ҳам катта эътибор қаратди. 2008 йилда мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялар 700 млрд. долларга яқинлашиб қолди. Инвестицияларнинг умумий миқдори 2012 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 41 фоизини ташкил этди. Бу кўрсаткич дунёда энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Инвестицион жозибадорлик бўйича Хитой жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди. Чет эллик инвесторларнинг 80 фоизи чет элда яшовчи хитойликлардир. Ёпиқ ва ярим ёпиқ иқтисодиётда бу каби кўрсаткичларга ҳеч қачон эришиб бўлмади.

Хитойдаги ислохотлар ва иқтисодиётнинг очиқлиги сўбатидан нафақат “осмон ости юрти” халқи ютди, балки бу ўлка учун худди асалари сингари ташқи самара ҳам берди. Агар боғингизда асаларичилик қилсангиз, асалари-

бошланган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам Хитой ўзининг катта олтин-валюта захираларига таяниб, йирик майдонда фискал тадбирларни амалга оширди. Зудлик билан 685 млрд. долларлик рағбатлантириш тадбирлари ҳужжатларини маъқуллади. Натижа узоқ куттирмади. 2009 йилнинг биринчи чорагидан мамлакат иқтисодиёти жонлана бошлади ва шу йили ЯИМнинг ўсиши 9,1 фоизни, 2010 йилда эса 10,1 фоизни ташкил этди. Таққослаш учун шунчи таъкидлаш жоизки, инқирознинг биринчи йилда жаҳон ялпи ички маҳсулоти 2,2 фоизга пасайган эди.


Япон “Nippon Steel Corporation” пўлат қуйиш компанияси 1950-60 йилларда юксалишни бошидан кечириб, 70-йилларда тушкун ҳолга келиб қолган, мамлакатнинг устувор тармоғи сифатида ўз аҳамиятини йўқотган эди. 2000 йилларга келиб компаниянинг фойдаси яна ўсиб, иши юриша бошлади. Бунинг бош сабаби Хитой импортнинг йилдан-йилга ошиб бориши натижасида пўлатга бўлган жаҳон нархларининг ўсиши эди. Демак, қўшнинг бойишига хасад қилмасдан, аксинча хурсанд бўлиш керак экан. Қўшнинг тўқ бўлса, сен ҳам оч қолмас экансан-да.

Сўзсиз Хитой иқтисодиётининг ўсишидан нафақат қўшни мамлакатлар, шу билан бирга бутун дунё ютди.

“Блоомберг” компаниясининг маълумотларига кўра, 2018 йил якунлари бўйича Хитой иқтисодиёти Европа Иттифоқи таркибидаги давлатларни ортда қолдириб, жаҳонда иккинчи ўринга кўтарилиб олади. Экспертларнинг тахмин қилишларича, 2022 йилга бориб АҚШ иқтисодиётини ҳам ортда қолдиради. Хўш, хитойликларнинг муваффақиятлари сирини нимада? Аввало, ўтган асрнинг 90-йилларида собит иттифоқ таркибида бўлган аксарият давлатлар Фарб иқтисодиёти тамойилларини шома-шошарлик билан татбиқ этишди. Бироқ Хитой бошқача йўл тутди: иқтисодиётини ислох қилишда оддий ва миллий йўлдан борди. Ўз иқтисодиёти дахлсизлигини сақлаган ҳолда, Фарбдан Хитой халқи учун лозим бўлган нарсаларнигина олишни мақсад қилди. Яъни, Хитой бозори хориқлик инвесторларга дарвозаларини кенг очди, ammo бу шундай усталик билан бажарилдики, хориқ компанияларига етакчилиқни қўлга олиши имконияти берилмади. Шу билан бирга хориқлик компанияларга Хитойнинг миллий ишлаб чиқариш соҳаси, жумладан, тиббиёт, чой ва гурчи этиштириш бўйича корхоналар барпо этиш тақияқлиди. Бунда нафақат иқтисодий, балки рамзий маъно ҳам бор эди: Хитой Фарб иқтисодиётига юз бурар экан, ўзининг миллий аънаналарида собит туражани билдириб қўйди.

Мухтасар қилиб айтганда, биз бежиз мақолага Дэн Сяопиннинг “мушук назарияси” ни эпиграф қилиб олмадик. Хитойнинг энг катта ютуқларидан бири бу – иқтисодиётга мафқуран, партиязни, умуман олганда сиёсатни ара-лаштирмаганидир.

Шукур ЖАББОР



қазиб олиш бўйича етакчи. Унинг худудларида нефть, газ ва уран мавжуд. Хитойда ноёб ментал қазилма бойлиқлари жаҳон захирасининг 37 фоиз қисмини ташкил этади.

Бир вақтлар Англияда бўлганидек, энди Хитой “Жаҳон фабрикаси” шуҳратини олди. Илгари Хитой маҳсулотлари деганда кўз олдинизга паст сифатли мол келган бўлса, энди эса қиммат бўлмаган, ammo сифатли товарни тасаввур қиламиз. Ўтган йиллар ичида хитойликларнинг ҳам мамлакатда ўз автомобиль саноати яратилди, мана бир неча йилдири, бу рақобатли бозорда АҚШ ва Японияни ортда қолдириб, 2010 йилда 18 млн. дона автоулов билан биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Хозирги пайтда мамлакатни дунё инновацион марказига айлантириш вазифаси қўйилган. Олимлар сони 1,5 млн.га етиб, бу борада у АҚШга тенглашиб қолди. Ишлаб чиқарилаётган товарлар орасида юқори технологияли маҳсулотлар ҳиссаси ортмоқда. Хитой космосга одам учирди, Ойга космик кема кўндирди, қирувчи реактив самолётларнинг бешинчи авлодини яратди. “Тяньхэ” компьютери жаҳонда энг тезкор ҳисобланади. Хитой кўёш энергиясидан фойдаланиш ускуналарини тайёрлаш бўйича ҳам етакчи. Унинг олтин-валюта захиралари 4 трлн. доллардан ошиб кетди. Бу факт унинг вақилларига халқаро музокараларда бошни юқори кутарганча қатнашиш имконини

бу ўртача мақбул кўрсаткич ҳисобланарди. Хитойнинг ташқи савдога боғлиқлик коэффициенти 1978 йилдаги 9,5 фоиздан 1984 йилга келиб 16 фоизга етди. Шу йили бу кўрсаткич АҚШда 15,2, Японияда 23,9 фоиздан иборат бўлди. Хитойдек улкан мамлакатда, бундан зиёд кўрсаткичга эришиш мумкин эмасдек туюларди. Ҳатто бунга ўта устамон “қилни қирқ ёрадиган” мутахассис иқтисодчилар ҳам ишонмасди. 2008 йилга келиб ташқи савдога Хитойнинг боғлиқлик коэффициенти 62 фоизни ташкил этди.

Экспорт давлат даромадларининг 80 фоизини бермоқда. Экспорт тармоқларида 20 млн. киши иш билин банд. Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 20 фоизи ташқи бозорга чиқарилади. Мамлакат экспорти диверсификациялашган. Экспорт номенклатураси эллик минг номдан иборат. Унинг асосий савдо шериклари ривожланган мамлакатлар, жумладан Япония, АҚШ ва Фарбий Европа мамлакатлари бўлиб, ташқи савдо айланмасида уларнинг ҳиссаси 55 фоиздир. Бу мамлакатларга юбориладиган маҳсулотлар олий сифат стандартларга эга. Энг рақобатли товарлар кийим-кечак, пойафзал, уй-ноқлар кейинги йилларда электроника, вело-мото ва автотехника, транспорт ҳамда қурилиш машинасозлиги бўлиб қолмоқда. 2004 йилдан оғис ва телекоммуникация жиҳозлари бўйича, 2005 йилдан юқори тех-

ларингиз қўшнингизнинг мевали дарахтларини ҳам чанглантириши мумкин. Сиз энди нафақат асал ейсиз, шу билан бирга қўшнингизнинг ҳам мўл мева ҳосили олишига кўмаклашган бўласиз. Қиммат бўлмаган яхши сифатли Хитой истеъмол товарлари ва биринчи навбатдаги ҳаётий зарур предметларни экспорт қилиши кўпчилик мамлакатлардаги аҳоли камбағал қатламларининг турмуш даражасини яшиланишига олиб келди.

Улкан Хитой иқтисодиёти ташқи самарасининг ифодаси 1997 йилда бошланган Осиё молиявий инқирози ва 2008 йилда бошланган глобал молиявий иқтисодий инқироз шароитида яққол намоён бўлди. Ҳар иккала шароитда ҳам Хитой жаҳон иқтисодиётига барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатди. Биринчи инқироз давомида минтақадаги барча мамлакатлар валютаси девальвацияга учради. Жанубий Кореянинг вони, Тайнинг бати, Индонезия рупияси, Америка долларига нисбатан бир неча баробар қадрсиланди. Агар Хитой юани ҳам девальвация қилинганда Жанубий Осиё мамлакатларининг тез орада ўнгланиши жуда қийин эди. Ammo Хитой катта омили – валюта захиралари ва минтақа мамлакатларидан катта ҳажмдаги импорт ҳисобига ўз валютасини девальвация қилмади. Хитой ўз қўшларининг иқтисодиётини барқарорлаштиришни афзал билиди. Натижада Осиё иқтисодиёти ҳаммаси бўлиб икки йилда тикланиб олди. АҚШдан

Fitch Ratings рейтинг агентлиги АҚШнинг кредит рейтинги бўйича башоратини қайта кўриб қикди. Бюджет тақчиллиги ўсиб бориши туфайли кредит тўловчанлик қобилияти "Барқарор"дан "Салбий"га тушиб қолди.

FITCH АҚШ КРЕДИТ РЕЙТИНГИ БАШОРАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

АҚШ эмитенти дефолтнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли рейтингини аввалгидек "AAA" даражадалигича қолди.

Агентликдагилар таъкидлашча, башоратнинг "Салбий" га ўзгартирилиши АҚШ давлат молиявий ҳолатининг ёмонлашиши давом этаётгани ва бюджет консолидациясига оид ишончли режанинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ.

"Бозорлардаги ликвидлик қайта тикланиши учун Федерал захира аралашувини қўллаб-қувватлаган молиявий мослашувчанлик қарзларнинг ўрта муддатли барқарорлаши тавakkалчилигини бутунлай бартараф этолмайди. Эҳтимол, мамлакат ҳукумати етарли даражада давлат қарзларини барқарорлаштириш мақсадида давлат молиясини консолидация қила олмас. Айниқса, пандемия ортидан юзага келган шокдан кейин бунинг иложи йўқдек кўринади", – дейди агентлик таҳлилчилари.



Пандемия оқибатида юзага келган инқирозга қадар AAA рейтингига эга суверен мамлакатлар орасида энг катта миқдордаги давлат қарзи АҚШ да эди, деди Fitch агентлиги. Агентлик АҚШ давлат қарзи 2021 йилга бориб ЯИМнинг 130 фоизига тенг бўлишини тахмин қилди. Айни пайтда ЯИМга нисбатан қарз ҳажми 2023 йилга бориб вақтинча барқарорлашиши мумкин. Шунда ҳам бюджет сальдоси пандемияга қадар бўлган даражага тушиб, фоиз ставкалари пастлигича қолса шундай бўлади.

Fitch таҳлилчилари кутаётганидек, жорий йилда бюджет тақчиллиги ЯИМнинг 20 фоизидан ортиши мумкин ва 2021 йилга бориб рағбатлантирувчи чоралар қўлланган тақдирда унинг улуши 11 фоизга тушиб қолиши мумкин.

АҚШ иқтисодиёти 2020 йилда 5,6 фоиз қисқариб, 2021 йилда 4 фоизга ўсиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. 2023-25 йилларга бориб мамлакат иқтисодиёти йилга ўрта ҳисобда 2,2 фоизга ўсиши мумкин.

АҚШ фискал сиёсатининг келажақдаги йўналиши қандай бўлиши қисман ноябрда ўтказиладиган президент ва парламент сайловлари натижасига боғлиқ, дейди агентлик таҳлилчилари. Сўнгги пайтларда демократлар сенатда республикачиларни энгби қўйиши эҳтимоли катта. Айни пайтда у ёки бу партия вакилларининг бирортаси 60 та ўринга эга бўлиши амри маҳол, деб баҳоланмоқда.

"Сиёсий қўл фикрлилик институтларни сушлаштириб қўйиши ва тузилмавий ўзгаришларга оид қарорларни, шунингдек молиявий муаммоларни ҳал этишга оид ечимларни қабул қилишда партиалараро муносабатларни яхшилаш имкониятини камайтириши мумкин", – дейди таҳлилчилар.

2011 йилда Standard & Poor's Global Ratings рейтинг агентлиги АҚШ кредит рейтингини бир поғона паст даражага тушириб қўйганди. Уша пайтда 2008 йилдаги молиявий инқироз ва унинг оқибатлари сабабли AAAдан AA+ га пасайтирилган эди. Бу яқин ўтмишда АҚШ кредит рейтинги тарихида энг пастга тушган баҳо бўлган эди.

Аввалроқ Fitch таъкидлаганидек, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида суверен кредит рейтинги кўрсаткичлари ҳар доимгиданда паст даражага тушиб кетган.



ЭНГ КУЧЛИ СМАРТФОНЛАР АНИҚЛАНДИ

"OPPO" маҳсулотлари 2020 йил июль ойида энг кучли Android-смартфонлар орасида энг етакчи ўринни эгаллади. AnTuTu платформаси сайтида шунга оид рейтинг натижалари эълон қилинди.

Унга кўра, энг кучли телефон сифатида 12 гигабайтли оператив ва 256 гигабайтли ички хотирага эга Oppo Find X2 Pro телефони тан олинди. Ушбу мослама 613 минг баллга эга бўлди. Иккинчи ўринда унинг кейинги авлоди Find X2 телефони турибди. Бу мосламанинг оператив хотираси 8 гигабайтга тенг бўлиб, у 606 минг баллни қўлга киритди. Кучли смартфонлар учталигини 12 гигабайт оператив ва 512 гигабайтли ички хотирага эга Xiaomi Redmi K30 Pro телефони якунига етказган бўлиб, 601 минг балл тўплай олди.

Таъкидланганидек, рейтингдан ўрин олган 10 та мосламаларнинг барчасида Qualcomm Snapdragon 865 процессори

мавжуд. Шунингдек, уларнинг барчасида камида 8 ва 12 гигабайтдан кўп бўлмаган оператив хотира мавжуд. Рўйхатнинг энг катта улуши, учта ўрини Oppo брендига тегишли.

Шунингдек, Antutu 10 та энг кучли қурилмалар рўйхатини тузган бўлиб, унда мувозанатлаштирилган хусусиятларга эга субфлагман моделларни ишлаб чиқарувчилар ўрин эгаллаган. Субфлагманлар рейтингини 8 гигабайт оператив ва 128 гигабайт ички хотирага эга ва 442 минг баллни қўлга киритган Oppo Reno3 5G қурилмаси бошлаб берди. Иккинчи ва учинчи ўринларда Xiaomi Redmi 10X 5G ва 10X Pro 5G қурилмалари турибди. Улар тўплаган баллар 398 минг ва 397 мингга тенг.

Платформа бир жиҳатга эътибор қаратган, яъни бу рўйхатдаги энг кучли мосламалар Dimensity компанияси процессорлари асосида ишлайди. Айни пайтда рўйхатнинг катта қисмидаги маҳсулотлар Hu брендига тегишли бўлди.

Август ойи охирига бориб миллионлаб америкаликлар ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ажратилаётган қўшимча моддий ёрдам, 600 АҚШ долларини ололмайд қолса зиммасидаги қарзларини ёпа олмай, ҳисобларини тўлдиролмаслиги мумкин. CNBC хабар беришича, ёз фаслининг якунига бориб мамлакатнинг 5,4 миллион аҳолиси тўловчанлик қобилиятини йўқотиши мумкин.

МИЛЛИОНЛАБ АМЕРИКАЛИКЛАР ҚАРЗИДАН ҚУТУЛА ОЛМАСЛИГИ МУМКИН

Уларнинг сони ортиши эҳтимоли катта. Сабаби кўплаб корхоналарнинг ёпилиши оқибатида яқин келажақда ишсизлар сони янада ўсади.

Америка ҳукумати ажратилаётган моддий ёрдани жуда кўп миқдорда бўлган, деб ҳисобламоқда. Оқ уйнинг Ходимлар аппарати раҳбари Марк Медоузанинг фикрича, аксарият фуқаролар уйда, карантинда ўтирган вақтида ишга қайтиб борганига нисбатан кўп маблағни қўлга киритди. Шу боис Оқ уй вакиллари фуқароларга ҳафтасига 600 АҚШ долларилек ёрдам берилишини мақсадга мувофиқмаслигини таъкидламоқда. Унинг ўрнига аҳолига коронавирус пандемиясига қадар олган маошининг 70 фоизига булган маблағ берилиши бўйича тақдир кўрилади.



600 долларлик қўшимча ёрдам ажратилиши аҳолини қўллаб-қувватлаш дастури доирасида таққиллаштирилган эди. Август ойи аввалида ушбу дастурнинг ижро муддати якунига етди. Ҳозирда келгуси чоралар муҳокама қилинмоқда.



ДУНЁ БЎЙИЧА ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР ҚИММАТЛАШДИ

Иккинчи ойдирки жаҳон бўйича озиқ-овқатлар нархи ошиб бормоқда. Озиқ-овқатлар нархи индекси июль ойида 94,2 пункт, яъни июнь ойига нисбатан 1,2 фоиз зиёд натижага эришилган. Бу ҳақида БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилотлари (FAO) ҳисоботида келтирилган.

Ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб, мигрант ишчилар етишмаслиги боис ўсимлик мойи 7,6 фоиз, сутли маҳсулотлар 3,5 фоиз, шакар эса 1,4 фоиз қимматлашган. Гуштининг нархи эса аксича июнь ойига нисбатан 1,8 фоиз, ўтган йилнинг июль ойига нисбатан эса 9,2 фоиз арзонлашган.

2019 йил декабрь ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи сўнгги беш йилдаги энг максимал даражага етган. Ҳаммасидан ҳам кўра пальма ёғи ва шакар қимматлашган. Бироқ кейинроқ уларнинг нархи пасайиб борган ва 2020 йил май ойида 2018 йил декабрь ойидан буён қузатилган энг арзон нархга эришилди. Аммо июль ойида яна уларнинг нархи кескин кўтарилган.

ҲАЛОЛЛИК ШАРОФАТИ

Бир кун кечки пайт ишдан қайта-ётиб, метро бекати ёнидаги бозорчадан ўн дона тухум сотиб олдим. Уйга келсам, хотиним ўн битта тухум олибсиз, деб қолди. Санасам, чиндан ҳам шунақа. Ғира-шира кеч бўлгани учун сотувчи янглишган бўлса керак, деб изоҳ бердим.



Эртасига ишга кетаётиб, метро ёнида тухум сотган одамни изладим – ҳали келмаган экан. Кечкурун ишдан қайтаётиб яна ўша жойга бордим. Сотувчи савдосини эрта тугатиб кетиб қолган экан. Ёнидаги одамга бўлган воқеани тушунтирдим. Бериб қўйиш учун пул берсам – олмади, эртага сотувчи келиш-келмаслигидан беҳабар экан.

Нихоят сотувчини топдим. Менга янглишиб, битта тухумни ортқича бериб юборганини тушунтириб, пулини бердим. “Қиёмат қарз”дан ку-

тулганимдан хурсанд бўлиб, уйга келсам ҳовлимда товуклар юрибди. Жияним дала ҳовлисидаги тухум бериб турган ўнта товукни бизнинг уйга ташлаб кетибди. Бунинг устига, бир халта дон, комбикорм, витаминлар ҳам қолдирибди. “Товук ҳам, тухуми ҳам сизларга, уларга қарашга ҳеч вақт орттиролмаяман,” деганмиш. Ҳатто бир товук тухум қилиб улгурибди. Шундай қилиб, киши билан уйимиздан тухум аримади.

Анвар ТОЖИЕВ,
фахрий журналист

Францияда ўтказилган ижтимоий сўровномалар натижасига кўра, кўпчилик французлар экология тозалиги йўлида, машиналардан воз кечиб, жамоат транспортлари ёки велосипеддан фойдаланишга қизиқмоқдалар. “Objectif transport public” иқтисодиёт ассоциациясининг буюртмаси билан TNS Sofres компанияси ўтказган ушбу сўровномада, 84 фоиз француз велосипеддан фойдаланишга тайёр.



ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ

Қолаверса, бугунги кунда жаҳонда велосипед шаҳарлари ҳам кўпайиб бормоқда. Бу борада шведлар олдинги сафда. Улар ҳатто Мальме шаҳрини “Велосипед шаҳри” деб эълон қилдилар. Бугунги кунда у ердаги велосипед йўлаклари умумий кўчаларнинг ярмини ташкил этмоқда.

Маълумки, велосипед йўл транспорт ҳаракатини меъёрлаштирилса, аҳоли маблағларини ҳам тежашга хизмат қилади. Энг асосийси, у киши саломатлигига ўта фойдалидир. Хусусан, юрак ишемик касаллиги билан хасталанган пациентлар учун мунтазам белгиланган жисмоний машғуллар тавсия этилган бўлиб, бу велосипедда юришдир. Велосипед миниш аденома, чов

хасталиги ва бошқа касалликларни ҳам даволайди. Унда сайр қилиниши турли бўгин оғриши, ошқозон ичак тизими, юрак-қон томир ва бошқа кам ҳаракатланиш билан боғлиқ касалликлар билан оғришларнинг олди олинади.

Кейинги йилларда юртимиздаги дам олиш паркларида, хиёбон ва боғларда ҳам велосипедни ижарага бериш хизмати йўлга қўйилмоқда. Бу албатта қувонарли ҳол. Агар бу хизматни янада ривожлантириб, велосипед қайдашини ҳар бир киши ўзига машғул қилса, ҳам саломатлигига ҳам юртимиз экологиясини яхшилашга сезиларли таъсир кўрсатган бўларди.

Ислом МҮМИН, ёзувчи



“ҚОҒОЗ ПУЛЛАР” ҚОҒОЗДАН ЯСАЛАДИМИ?

“Қоғоз пуллар” пахта ва зигир толалари қўшилиши билан ясалади. Уларнинг таркибида кам миқдорда кислота ҳам бор, шунинг учун улар узокроқ вақт фойдаланилади. Босмалардан кейин материал желатинга ўхшаш эритмада “ёпиштирилади”, бу эса унинг чидамлилигини оширади.

Масалан, АҚШ доллари 75% пахта ва 25% чойшабдан иборат.

Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, пул қоғозининг кучи махсус асбоб – фалтсера ёрдамида ўлчанади. “Қоғоз пул” намуналари бир неча минглаб эгилишлар натижасида йиртилмаслиги керак. Оддий қоғоз эса фақат 20 тагача бундай эгилишга бардош бера олади.

НЕГА ОВҚАТЛАНГАН ИМИЗДАН СЎНГ УЙҚУ ТОРТАДИ?

Бундай бўлишига олимлар орасида иккита асосий қараш бор. Улардан бири, овқатдан кейин қон миядан чиқиб, ошқозон ва ичакларга оқиб чиқиши ва мия зарур бўлган кислород нормасини олмаслиги, бу эса бизни уйқу ҳолатига олиб келишини таъкидлайди.

Иккинчиси, Британиялик олимлар томонидан ўртага ташланган қарашдир. Уларнинг, аниқлашларича, миямиз уйғоқлик учун жавобгар бўлган ҳужайралари, кечки овқатдан кейин шунчаки “ўчириб қўйиш” ини аниқладилар. Шунинг учун уйғоқлик учун масъул бўлган мия ҳужайралари сигнал юборишни тўхтатадилар.



“Nimaga?” телеграм канали



ВАҚТНИ СОТИБ ФОЙДА ОЛИШ МУМКИНМИ?

Лондондаги Белвиллар оиласи бир аспробайнида ўзининг ягона даромадини вақтнинг сотиш бизнесидан олган. Отасининг ва онасининг ўлимидан кейин бу бизнес 1892-йил мерос бўлиб қизи Рут Белвилга ўтди.

Ҳар куни эрталаб Рут Гринвич обсерваториясига борган ва ўзининг хронографини вақтга тўғирлаган. Шундан сўнг у мижозларининг уйларига бирма-бир кириб чиққан ва уларнинг соатларини аниқ вақтга тўғирлаган. 1926 йилга келиб аниқ вақтни ББС радиостанцияси ҳар куни эълон қила бошлади, оқибатда кўпчилик вақт харидорлари Белвил хонимнинг хизматига муҳтож бўлмай қолди. Шунга қарамасдан Белвил хоним мижозларининг бир қисми, у қарийб 1940 йилда ишни тўхтатишга қарор қилмагунча содиқ бўлиб қолган.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ -ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукур ЖАББОР

ОБУНА ВА РЕКЛАМА БУЛИМИ РАҲБАРИ
Ўктам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
“Moliya yangiliklari agentligi” МЧК

Ахборот кўмаги
ЎзА, “Norma Hamkor” МЧЖ
www.finance.uz

Тахририят манзили:
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
Чоп этишга тайёрловчи:
“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ
Газета тахририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси”да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кунини чиқади. Буюртма № г 0175 А-1385 Нархи шартнома асосида. Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп этилди. Босишда рухсат этилди: 11.08.2020 й., 1 2 3 4 5 6